

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi”  
АЖ акциядорлари умумий йигилишининг  
2022 йил 30 науи даги  
баённомаси билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
(2-илова)

“ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
**НИЗОМ**  
(яңги таҳрирда)

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти (матнда “Жамият” деб юритилади) акциядорлари умумий йигилиши мақомини белгилайди ҳамда уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилишини тартибга солади.
- 1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги ЎЗР қонунига (матнда “Қонун” деб юритилади) ҳамда жамият таъсис хужжатларига (таъсис шартномаси ва устав) мувофиқ ишлаб чиқилди.
- 1.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.
- 1.4. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув қенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув қенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
- 1.5. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув қенгашини сайланаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади.
- 1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишини навбатдан ташқари йигилишлардир.
- 1.7. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилини ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув қенганин томонидан белгиланади.
- 1.8. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чогида умумий йигилишида, кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишида иштирок этини имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

## II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

### 2.1. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва кўшимишталар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш;
  - жамиятни қайта ташкил этиш;
  - жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатини балансларини тасдиқлаш;
  - жамият кузатув қенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилани, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
  - Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
  - жамиятнинг устав фондини камайтириш;
  - ўз акцияларини олиш;
  - жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
  - жамиятнинг йиллик хисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
  - жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
  - жамият кузатув қенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув қенгашининг хисботларини эшитиш;
  - имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
  - акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
  - акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
  - конунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 2.2. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

- 2.3. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:
- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
  - акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қофозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилани;
  - жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбонишланадиган облигациялар чиқариш тўгрисида қарор қабул қилиш;
  - қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўгрисида қарор қабул қилиш;
  - жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўгрисида қарор қабул қилиши;
  - жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
  - жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилани.

### **III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИГ ҚАРОРЛАРИ**

- 3.1. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга қўйилган масалалар бўйича куйидагилар овоз берини ҳуқуқига эга бўлади:
- жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
  - қонунда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.
- 3.2. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йигилишининг қарори, агар қонунда бошқача коида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишида иштирок этажётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чорига жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқини овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.
- 3.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.
- 3.5. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз берини якупнлари қонунда ҳамда жамият уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бирок бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечикитирмай акциядорлар эътиборига етказилади.
- 3.6. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ**

- 4.1. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганини тўгрисида ахборот тақдим этиши шарт.
- 4.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечикитирмай, лекин узоги билан 30 (ўттиз) кун олдин:
- корпоратив ахборотнинг ягона портали ва жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;
  - акциядорларга электрон почта орқали юборилади.
- 4.3. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги хабарда куйидагилар кўреатнлини керак:
- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
  - умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
  - жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
  - умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
  - умумий йигилишин ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга тақдим этилиши лозим бўйиган ахборот (материаллар) билан акциядорларни танишитириш тартиби;
  - акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз берини тартиби.
- 4.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга):

- жамиятнинг йиллик ҳисоботи;
- жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг холосаси;
- жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойихаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойихаси киради.

4.5. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қозулар бозорни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.6. Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказилгунинг қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

4.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фонзига ғалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

4.8. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.9. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига масала уни кўйини сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.10. Жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан, ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатагётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чикиши ва уларни акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиши ҳақида карор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенганига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- қонунда назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар конун талабларига мувофик бўлмаса.

4.12. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиши тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) карор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиши тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

4.13. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши қўйидагиларни белгилайди:

- умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йигилишнинг кун тартибини;
- умумий йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;
- акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиши ва овоз бериш тартиби.

4.14. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.15. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўгрисида карор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланини мумкин эмас.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШИ**

5.1. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

5.2. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

5.3. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

5.4. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўгрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

5.5. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

5.6. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

5.7. Жамият акциядорлари реестрига биноан қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати иш ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

5.8. Умумий йигилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар.

5.9. Агар йигилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашта ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «\_\_\_\_\_ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «\_\_\_\_\_» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайл этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўреатилади.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИНГ КВОРУМИ**

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказини тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиши санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиша кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиши тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (кирк) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиши тўгрисида хабар килиш конун, жамият таъсис хужжатлари ва ушбу низомда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказини санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

6.6. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайланни бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиши ҳоллари бундан мустасно.

6.7. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз берини овоз берини бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан турив амалга оширилади.

6.8. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

6.9. Овоз бериш бюллетеңида бўлиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ фирма номи;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- овоз беришга кўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиши навбати;
- овоз беришга кўйилган ҳар бир масала бўйича “ёклайман”, “каршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш варианлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга кўйилган масалага “ёклайман” деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз берни мустасно);
- овоз бериш бюллетеңи акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма;
- жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз берни ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетеңида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, иеми, отасининг исми.

6.10. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетеңларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга кўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон ракамли имзо билан тасдиқланади.

6.11. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетеңлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди. Агар овоз бериш бюллетеңида овозга кўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур талабга риоя этилмаганилиги бюллетеңнинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

6.12. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

6.13. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон жисемдаги овоз бериш бюллетеңлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият архивига саклаш учун топинирилади.

6.14. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг баённомасига кўшиб кўйилиши лозим.

6.15. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йигилишида ўқиб эшилтирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

## VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИГ БАЁННОМАСИ

7.1. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишида раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

7.2. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йигилишининг раиси (раёсати) ва котиби, йигилиш кун тартиби кўрсатилади.

7.3. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий коидалари, овозга кўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йигилиш қабул қилинган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## VIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИНИ

8.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши қуйидаги асосларга кўра ўтказилади:

- жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида;
- ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида.

8.2. Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш ҳакида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (үттиз) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан амалга оширилади.

8.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йигилини кун тартибида киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

8.4. Жамиятнинг кузатув кенгаси жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифида ўзгартишлар киритишга ҳакли эмас.

8.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йигилишини чакиришини талаб килаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, турни кўрсатилган бўлиши лозим.

8.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришини талаб қилган шахе (шахслар) томонидан имзоланади.

8.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этилган санадан эътиборан 10 (ён) кун ичida жамият кузатув кенгаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида ёки йигилишни чакиришни рад этиш ҳакида қарор қабул қилиниши керак.

8.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришини рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришини талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) белгиланган микдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибида киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси хам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибида киритиш учун таклиф этилган масала қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

8.9. Жамият кузатув кенгасининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йигилишни чакиришни рад этиш ҳакидаги асослантирилган қарори йигилиш чакиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади. Жамият кузатув кенгасининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилинини мумкин.

8.10. Жамият кузатув кенгаси қонунда, жамият таъсие хужжатлари ва ушбу низомда белгиланган муддат ичida акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чакиришини рад этиш ҳакида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши уни чакиришни талаб қилган шахслар томонидан чакиришини мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

## **IX. УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Куйидагилар акциядорлар умумий йигилиш ишчи органлари ҳисобланади: умумий йигилиши раиси, саноқ комиссияси ва котиб.

9.2. Акциядорлар умумий йигилиши раиси жамият кузатув кенгасининг раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгасининг аъзоларидан бири) ҳисобланади.

9.3. Акциядорлар умумий йигилиши раиси:

- йигилишга раҳбарлик (бошчилик) қиласи;
- йигилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилишини учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади;
- умумий йигилиш ишини мувофиқлаштиради;
- масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди;
- маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди;
- йигилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради;
- йигилишда тартиб ўрнатилишини назорат қиласи.

9.4. Умумий йигилиши раиси умумий йигилиш баённомасини имзолайди.

9.5. Овозларни санаб чиқиши, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгашин томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

9.6. Саноқ комиссиясининг таркиби камидаги 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак.

9.7. Саноқ комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият директори, жамият бошқарувчи аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шулавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

9.8. Саноқ комиссияси:

- акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўклигини аниқлайди;
- умумий йигилишда овоз бериш хукуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;
- овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериши тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этишин хукуқларини таъминлайди;
- овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг идоравий архивига топширади.

## **X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ**

10.1. Акциядорлар умумий йигилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат килишини, башарти йигилиши қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баённомада акс эттирилмаган бўлса, жамият кузатувчini кенгашин амалга оширади.

10.2. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари умумий йигилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли кисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.